

Забидий / ВАҲИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 722-ҳадис

722/1450 – وَعَنْهُ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: أَنَّ أَبَا بَكْرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ كَتَبَ لَهُ الَّذِي فَرَضَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «وَلَا يُجْمَعُ بَيْنَ مُتَفَرِّقٍ، وَلَا يُفَرَّقُ بَيْنَ مُجْتَمِعٍ، حَشِيَّةَ الصَّدَقَةِ».

722.1450. Анас розияллоҳу анҳу шундай сўзлаб берди:

«Абу Бакр розияллоҳу анҳу унга Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам фарз қилган нарсани «Закот(кўпайиб ёки озайиб кетиши)дан кўрқиб, (молини) ажратганларники қўшилмайди, қўшганларники ажратилмайди», деб ёзиб юборди.

Изоҳ: Бу ҳадисда закот тўпловчи омил олинадиган закот миқдорининг камайишидан кўрқиб, мол-қўйини алоҳида боқаётган кишиларнинг молини қўшмаслиги ёки бирга боқаётганларнинг молини ажратмаслиги кераклиги айтилмоқда. Айни пайтда, мол эгалари бериладиган закот миқдорининг кўпайиб кетишидан кўрқиб, бирга боқаётган ҳайвонларини ажратиб олишлари ёки қўшиб юборишлари ҳам мумкин эмас.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI